Аҳоли қалбида юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотларга дахлдорлик ҳиссини кучайтириш, **“Миллий тикланишдан - миллий юксалиш сари”** ғояси асосида жамиятда соғлом дунёқараш ва бунёндкорликни умуммиллий ҳаракатга айлантириш масалалари

**Миллий юксалиш деганда, биз мамлакатимиз тараққиёти, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва турмуш сифатини ҳар томонлама юқори босқичга кўтаришни тушунамиз.**

Шавкат Мирзиёев

# **“Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари”** ғояси асосий дастуриламалимиздир.

**01**

Аслида маънавият ва маърифат иши – чин ватанпарварликдир.

**Шарҳ:**

“Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари” ғояси Янги Ўзбекистон жамиятининг бугунги куни, янги тараққиёт босқичининг мақсад-муддаоларини яққол ва яхлит ифодалайди.

Ўтган етти йил тарих учун кўз очиб юмгунча вақтнинг зарраси кабидир. Лекин, мана шу қисқа даврда Ўзбекистонимизда эришилган ютуқлар ва натижалар ўзига хос миллий тикланиш ва юксалиш жараёнлари нечоғлиқ шиддат ила кечаётганидан далолат беради.

«Юксалиш – эзгу мақсад, барқарорлик – унга эришишнинг шарт-шароити, ислоҳотлар эса уни таъминлашнинг асосий воситасидир”

# “Инсон – жамият – давлат”

02

Томирида миллий ғурур, Ватан ишқи жўш урган одамгина буюк ишларга қодир бўлади.

Шарҳ:

Янги Ўзбекистон тараққиётининг ҳозирги ривожланиш босқичида ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий омиллар билан бирга, маънавий-маърифий жабҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳам муҳим аҳамиятга эга эканини чуқур англашимиз керак.

Ижтимоий давлатни қуришда давлат ва халқ ўртасидаги ўзаро ишончни, ҳурматни, эътиборни, халқ ва давлат ўртасидаги уйғун орзу истакларни таъминловчи муҳим омил — МАЪНАВИЯТДИР.

Инсон ўзлигини англагани, насл-насабини чуқурроқ билгани сари юрагида Ватанга муҳаббат туйғуси илдиз отиб, улғая боради.

“Миллий юксалиш” тушунчаси аниқ бир халқ ёки мамлакатнинг миллий ўзлиги, ўзига мос тараққиёт тамойилларини яхлит намоён қилади.

03

Бугунги кунда мамлакатимизда “юксалиш” ғоясининг кенг маънодаги тушунчаси қўлланилмоқда.

Шарҳ:

Миллий юксалиш – ижтимоийлик тамойили орқали амалга ошади.

Инсонга унинг қадри, шаъни ва эркини асраб-авайлаб муносабатда бўлиш – миллий юксалишнинг асосий шартларидандир.

Элу юрт билан ҳамдард бўлиб яшагин, токи халқ ҳамиша сен билан бирга бўлгай,

## Замонлар довонларидан ўтган қадриятлар инсонларни тинчлик-тотувликка, меҳр-оқибатга, эзгуликка, ҳамжиҳатликка чорлайдиган катта маънавий кучга айлана борган.

**04**

Янги Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантиришда миллий қадриятларимиз муҳим ўрин тутади.

Миллий тикланиш – миллатнинг ўзлигини ангалаш бўлса, миллий юксалиш миллатнинг дунёга мана мен деб ўзлигини намойиш этишидир.

Миллий қадриятлар ҳар бир миллатнинг тили, урф-одатлари, тарихи, маданияти, анъаналарини, барча моддий ва маънавий бойликларини, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ҳаётининг барча томонларини ўз ичига қамраб олади.

Миллий бирлигимиз асосида миллий ғоя, миллий ғоя замрида азалий қадриятлар ётади.

## Жамият тараққиёти барчага бирдек аҳамиятлидир, зеро, дахлдорликни ҳис этиш, кишиларнинг лоқайдлик ва беғамлик каби иллатлардан йироқ бўлиши бугун ўта долзарб масаладир

**05**

Ижтимоий сафарбарлик – миллатнинг бирлиги, юртнинг тинчлиги ҳамда Ватан тараққиёти каби ғояларни жамиятга етказиш орқали ёшларни ватанга бўлган меҳр ва садоқат руҳида тарбиялашда яққол кўзга ташланади.

**Шарҳ:**

Қадриятлар миллатнинг кундалик ҳаётида, маданияти ва маънавиятида, онгу шуурида, ўзаро маданий мулоқотида, бошқаларга бўлган муносабатида, қисқаси, ҳар бир ташлаган қадамида ўз ифодасини топади.

Миллий қадриятлар ҳар бир миллатнинг тили, урф-одатлари, тарихи, маданияти, анъаналарини, барча моддий ва маънавий бойликларини, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ҳаётининг барча томонларини ўз ичига қамраб олади.

Ватанга муҳаббат, аждодлар хотирасига садоқат, меҳмонга, ўзидан катталарга эҳтиром, ўзидан кичикларга иззат-икром, айниқса ота-она, қариндош-уруғларга доимий меҳрибонлик жамият ҳаётини безайди.

## “Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5040-сонли қарорининг 2-банди бўйича

**06**

Мамлакатимизда маънавий-маърифий ишларнинг асосий йўналишлари бўйича давлат органлари, нодавлат ташкилотлар ва ишчи (эксперт) гуруҳларининг бу борадаги фаолиятини мувофиқлаштириш Республика Маънавият ва маърифат марказининг вазифаси белгиланган.

**Шарҳ:**

ПҚ-5040-сонли қарори билан тасдиқланган “Йўл харитаси”нинг 2-бандида ҳудудлар, вазирлик ва идоралардаги маънавий-маърифий ишлар ҳолатини мунтазам ўрганиш ва таҳлил этиш, керакли назарий ҳамда амалий ёрдам бериб бориш вазифаси белгилаб қўйилган.

ублика Маънавият ва маърифат маркази ҳузурида ҳудудлар, вазирлик ва идоралардаги маънавий-маърифий ишлар и мунтазам ўрганиш ва таҳлил этиб бориш бўйича доимий фаолият юритувчи МОНИТОРИНГ ГУРУҲИ томонидан 30 та вазирлик идора фаолияти ўрганилди.

Аксарият вазирлик ва идораларда маънавий-маърифий ва тарбиявий ишлар тўғри йўлга қўйилган бўлиб, бир қатор ижобий ишлар амалга оширилган бўлсада, айрим вазирлик ва идораларда ушбу вазифаларни бажаришда сусткашликка йўл қўйилган

# Ушбу вазирлик-идораларда Маънавий ишлар яхши йўлга қўйилган

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Солиқ қўмитаси, Кадастр агентлиги ва “Ўзкимёсаноат” акциядорлик жамияти

- Йиғилишларда маънавий-маърифий соҳа самарадорлигини ошириш ва ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, ижрога қаратилган;

## Мазкур вазирлик ва идораларда маънавий ва маърифий ишлар яхши йўлга қўйилмаган:

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги,

Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги, “Тошшаҳартрансхизмат” акциядорлик жамияти

Кинематография агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги